

## САНОАТ ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шарипов Фулом Қарши ўғли

Қарши мухандислик-иқтисодиёти институти  
мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7571995>

**Аннотация:** Мақолада электрон тижоратни ташкил қилишда акт технологиялардан фойдаланиш ва ахборот коммуника-ция тизимларидан фойдаланган ҳолда рақамли технологияларни жорий этиш ва улар-дан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар урганилган. Тадқиқот давомида саноат корхоналари маҳсулотларини электрон тижорат орқали реализация қилишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Электрон тижорат, ахборот тизими, корхона бошқаруви, автоматлаштириш, тизим самарадорлиги, бошқарув қарорлари, бошқарув модуллари, дастурий воситалар, комплекслашган ахборот тизими, ахборот коммуникация тахнологиялари.

Рақамли иқтисодиёт шароитда янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ҳамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд тижоратни трансформациялаш бу тижоратни янгича тизимга кўчиришдир. Электрон тижоратнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий алоқаларнинг рақамли технологияларини қўллаш асосида амалга ошириш мумкин бўлган тизим бу электрон тизимдир. Бу тизим инсонларсиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали коррупцияни камайтиради, солиқ тушумларини «ақлли» шартномалар тузиш орқали кўпайтиради, бюджет харажатларининг очиқлигини оширади, ягона электрон платформа орқали электрон тижорат хизматларини кўрсатиш имкониятини беради.[1,2,3,4,5]

### 1-жадвал

**Саноат электрон тижоратда рақамли трансформация жараёнини ташкил қилишнинг асосий стратегик йўналишлари**

Трансформация жараёнининг стратегик йўналишлари	Вазифалари
ВІМ технологияларини	-БІМ асосида рақамлаштириш тижорат инфратузилмаси объектларининг ҳаётий

<p><b>тижорат инфратузилма объектларининг ҳаёт айланиш жараёнида қўллаш</b></p>	<p>циклининг барча жараёнларини қамраб олади, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш сифатининг ошишини таъминлайди;</p>
<p><b>Bigdata ва сунъий интеллектга асосланган умумий "Электрон тизимлар тизимини" шакллантириш</b></p>	<p>- тижоратнинг ягона яхлит электрон тизимини шакллантириш; - яхлит тизим шаҳар инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа бир қатор маълумотларни ўз ичига олади; - электрон тижоратни бошқариш жараёнида катта маълумотлар технологияси ва сунъий интеллектдан фойдаланиш</p>
<p><b>Электрон тижоратни ташкил қилишда рақамли платформалар ва IoT технологиясидан фойдаланиш</b></p>	<p>- Тижоратни бошқариш ва тадбиркорлик объектлари датчикларидан, шунингдек ҳисоблагичлардан тўғридан-тўғри маълумот олиш жараёнида интернет технологиясини жорий этиш;</p>
<p><b>Электрон тижоратни бошқаришда ахборот-таҳлил воситаларини қўллаш</b></p>	<p>- Тижоратда ахборот-таҳлил воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш, шу жумладан. фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида матн ва нутқни семантик таҳлил қилиш, кўп ўлчовли статистик таҳлил ва мураккаб воқеаларни қайта ишлаш;</p>
<p><b>Электрон тижоратда Blockchain технологиясини амалга ошириш</b></p>	<p>- Тижоратнинг шаффофлигини ошириш, рақамли битимлар, ҳужжатлар, овоз бериш натижаларини ўтказиш, шунингдек краудсоорсинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бажарилган ишларни назорат қилиш учун технологиядан фойдаланиш.</p>

**ВМ** - бу қурилиш объектининг кўп ўлчовли моделини яратишга имкон берадиган технология бўлиб, у бу ҳақда барча маълумотларни ўз ичига олади.[18,19,20,21,22,23] Бундан ташқари, ушбу модел нафақат қурилиш учун, балки объектнинг ишлаши учун ҳам қўлланилади. Шунинг учун, ВМ фақат график 3D проекцияси деб ўйлаш мутлақо нотўғри. Технологияларнинг имкониятлари жуда кенг. Ахборот моделлаштириш

бинони қуриш ва бошқаришда мутлақо янги ёндашувни назарда тутати, унда мутлақо ҳамма нарса кўриб чиқилади. Буларнинг барчаси дизайндаги мумкин бўлган ўзгаришлардан қочиш, қурилиш харажатларини камайтириш ва енг муҳими вақтни тежаш имконини беради. BIM нинг жорий етилиши ҳаёт цикли босқичларида - инвестициялардан тортиб то ишга туширишгача ва ҳатто бузиб ташлашгача бўлган даврда тўғри қарорларни қабул қилишга имкон берди.

Бироқ, ушбу технология молиявий харажатларни ҳам талаб қилади. Хусусан, ўқитиш учун махсус дастурий таъминот ва ускуналарни сотиб олиш керак. Аммо келажакда ушбу харажатлар бино қурилишини лойиҳалаштириш ва ташкил етиш харажатларини камайтириш ҳисобига қопланади.[24,25,26,27,28,29]

**Bigdata** (катта маълумотлар) - жуда катта ҳажмдаги бир жинсли бўлмаган ва тез тушадиган рақамли маълумотлар бўлиб, уларни одатий усуллар билан қайта ишлаб бўлмайди. Баъзи ҳолларда, катта маълумотлар тушунчаси билан бирга шу маълумотларни қайта ишлаш ҳам тушунилади. Асосан, анализ объекти катта маълумотлар деб аталади. Bigdata атамаси 2008 йилда дунёга келган. Nature журнали муҳаррири Клиффорд Линч дунё маълумотлар ҳажмининг жуда тез суръатда ўсишига бағишланган махсус сонидан Bigdata атамасини қўллаган. Бироқ, катта маълумотлар аввал ҳам бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, кунига 100 гб дан кўп маълумот тушадиган оқимларга биг дата деб айтилар экан.[30,31,32,33,34,35]

Катта маълумотларни анализ қилиш, инсон ҳис етиш имкониятидан ташқарида бўлган қонунийлатларни аниқлашда ёрдам беради. Бу еса кундалик ҳаётимиздаги барча соҳалар, ҳукуматни бошқариш, тиббиёт, телекоммуникация, молия, транспорт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни янада яхшилаш, уларнинг имкониятларини ошириш, муоммоларга муқобил йечимлар излаб топиш имконини яратади.

**IoT**- бу жисмоний қурилмалар, транспорт воситалари, маиший техника ва бошқа нарсалар, буларнинг барчаси Интернетга уланган электрон схемалар, дастурий таъминот, датчиклар ва механик актуаторлардан фойдаланади. Ушбу уланиш ушбу объектларнинг бир-бири билан боғланишига ва маълумотлар алмашинувига имкон беради, шу билан реал дунё билан компьютер тизимлари ўртасида тўғридан-тўғри интеграция қилиш учун кўпроқ имкониятлар яратади ва шу билан самарадорлик ва иқтисодий фойдаларни оширади. Одамлар учун жисмоний ишни

камайтиради. 2017 йилда IoT қурилмалари сони ўтган йилга нисбатан 31 фоизга ўсди ва 8.4 миллиард қурилмага етди ва тахминларга кўра 30 йилга келиб бу рақам 2020 миллиардга йетади. IoT бозорининг глобал қиймати 1.7 триллион долларга йетиши тахмин қилинмоқда. IoT Интернетга уланишни одатдаги қурилмалардан, масалан, иш столи, ноутбуклар, смартфонлар ва планшетлардан ташқари қурилмаларга узатишни ва Интернетга уланмасдан ақлли бўлмаган қурилмаларга узатишни ўз ичига олади. Ушбу технологиядан фойдаланадиган қурилмалар Интернет орқали бир-бири билан алоқа қилишлари ва ўзаро алоқада бўлишлари мумкин; Улар шунингдек масофадан туриб кузатилиши ва бошқарилиши мумкин.[36,37,38,39]

**Blockchain** — бу тизим иштирокчилари воситачисиз бир-бирига активларини ишончли тарзда узатиш имконини берувчи технология. Масалан, blockchain да пул кўчирмалари ҳақидаги ёзувларни сақлаш мумкин. Криптовалюталарда айнан blockchainдан ким, кимга ва қанча виртуал пул ўтказганлиги тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиш учун фойдаланилади. Бироқ blockchainда бошқа активларни ҳам сақласа бўлади. Умуман олганда, нимани қоғозда ёзишнинг имкони бўлса, ўша нарсаларнинг барчасини blockchain да ҳам ёзиш мумкин бўлади, фақат биргина фарқ билан – blockchain да ёзувларни алмаштириш ва сохталаштиришнинг имкони йўқ.

Рақамли иқтисодиётнинг янги концепцияси инсон фаолияти доирасидаги барча информацияни рақамлаштириш технологияларини қўллаб сақлаш, ишлов бериш ва узатишнинг ягона тизимидир. Иқтисодиётни рақамлаштириш орқали ижодий ёндашиб янги иқтисодиётни барпо этиш имконияти туғилади. \_\_Нуфузли халқаро ташкилотлар олиб борган таҳлиллар натижаларига кўра, рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, шунинг баробарида, хуфиёна иқтисодиётга барҳам бериш ҳамда коррупцияни кескин камайтириш имконини берар экан. Кўриниб турибдики, мазкур соҳа юртимизда барча соҳа ва тармоқнинг юксак ривожига жиддий тurtки бўлади.[40,41,42,43,44]

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 5 февраль куни ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин,

ветеринария ҳамда бошқа идоралар фаолиятини ислоҳ қилиш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу соҳада узоқ йиллардан буён самарали ишлар олиб борилмагани, коррупциянинг мавжудлиги ташқи савдо амалиётида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингида «Халқаро савдо» йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради. Президентимиз рақамли технологияларни жорий қилиб, инсон омилини максимал қисқартириш орқали коррупция ва ноқонуний товар айланмасига барҳам бериш зарурлигини таъкидламоқда. Импорт маҳсулотларининг чегарадан то якуний истеъмолчигача бўлган ҳаракати божхона ҳамда солиқ идоралари томонидан ягона электрон тизим орқали назорат қилиниши керак. Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга рухсатнома ва лаборатория текширувлари ҳужжатларини тўлиқ рақамлаштириш, автоматлаштирилган «риск-анализ» тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. [12,13,14,15,16,17] Айтиш жоиз, рақамли иқтисодиётга ўтиш тадбирлари доирасида 143 та давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ҳамда хизмат кўрсатиш вақти икки ҳисса қисқарди. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотлар олди-сотдиси жараёнларига ошкоралик ҳамда очиқлик тамойиллари жорий этилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, қурилиш, давлат хизматлари кўрсатиш, хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида рақамли иқтисодиётга ўтиш сари салмоқли қадамлар ташланмоқда

Хулоса. Бугунги кунда одамлар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар, айниқса, телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқда. Шунингдек, турли интернет-дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоняпти. Фақат ҳозирги кунда фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга ошираётгани, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслиги ҳам рост. Демак, эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ҳамда молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул сақлайдиган картмони (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби атамалари мавжуд.[45,46]

Ижтимоий тармоқлардаги ёки телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш — рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масаланинг энг содда маиший мисол орқали тушунтирилиши. Аслида, ҳаммамиз, аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз.[6,7,8,9,10,11] Масалан, ойлигимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ҳамда хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул ўтказамиз ва ҳоказо. Рақамли иқтисодиёт туфайли тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ҳамда бошқа ресурслар тежалади), товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ҳамда тезроқ маълумот олинади, рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта, фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ҳамда хизматлар жадал такомиллаштирилади. Халқаро амалиётга юзланадиган бўлсак, ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар соҳаси билан чекланиб қолмай, балки ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига, хусусан, соғлиқни сақлаш, фан-таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ҳамда сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернет-банкнинг ва бошқа соҳаларга жадал кириб бормоқда ҳамда уларнинг ҳар бирида ўзининг юқори самараларини бермоқда. Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа орқали алоқага ўтказиш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни таклиф этиши рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу соҳани кенг ривожлантириш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биздаги энг асосий оғриқли муаммолардан бири — коррупция иллатига барҳам беради.

## References:

1. Mukhitdinov, H. S., and F. A. Norkobilova. "Prospects for Development of Digital Economy in Entrepreneurship." *Academic Journal of Digital Economics and Stability* (2021): 27-36.
2. Nazarova Gulruh Umarjonovna Mukhitdinov Khudoyar Suyunovich. "FORECASTING FAMILY HOUSEHOLD THROUGH TREND MODELING", "Journal of Northeastern University ISSN:1005-3026" Ст 1074-1083
3. Madina Bozorova Xudayar Muxitdinov, Farrux Qodirov "THE ROLE AND IMPORTANCE OF TELEMEDICINE IN THE PROVISION OF MEDICAL

- SERVICES TO THE POPULATION”. International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2022.
4. Mukhitdinov Khudayar Suyunovich, Rahimov Odil Berdievich, Pardayev Oktam Berdimurodovich. Agriculture cluster implementation in a production system// Journal of northeastern university. issn: 1005-3026.- P. 1092-1106.
  5. 20. Mukhitdinov Khudoyar Suyunovich, Nazarova Gulrukh Umarjonovna. Forecasting family household through trend modeling// Journal of northeastern university. issn: 1005-3026.- P. 1074-1083.
  6. 21. Mukhitdinov Khudayar Suyunovich, Khalimov Javlonbek Shakhriyrovich. Innovative Development Mechanism Of Digital Transformation Processes In Regional Industry //Journal of Pharmaceutical Negative Results | Volume 13 | Special Issue 8 | 2022. – P.487-497
  7. 22. Mukhitdinov Khudoyar Suyunovich, Akhmedova Barno Abdiyevna. Econometric modeling and forecasting of educational services to the population of the region. To Secure Your Paper As Per UGC Guidelines We Are Providing An Electronic Bar Code. Volume 10, Issue 01, Pages: 241-251. ISSN 2456 – 5083. 2021/1
  8. 23. Mukhitdinov Khudoyar Suyunovich, Nosirov Bakhtiyor Nusratovich. Communication and information services to the population of the region. Jan.-March. 21 Vol. 11 No.01 SJIF 7.201 & GIF 0.626 ISSN-2249-9512 Journal of Management Value & Ethics page 71-82
  9. Qodirov, F. E., O. D. Doniyorov, and Sh H. Shokirov. "BASIC CONCEPTS OF INFORMATION SECURITY IN INFORMATION SYSTEMS. WIDE THREATS AND THEIR CONSEQUENCES." КОНЦЕПЦИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НАУКИ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ. 2021.
  10. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "CREATION OF ELECTRONIC MEDICAL BASE WITH THE HELP OF SOFTWARE PACKAGES FOR MEDICAL SERVICES IN THE REGIONS." Conferencea (2022): 128-130.
  11. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "IMPORTANCE OF KASH-HEALTH WEB PORTAL IN THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES IN THE REGIONS." Conferencea (2022): 80-83.
  12. Qodirov, F. E., J. U. Abdirasulov, and J. E. Nematov. "FORMING GOVERNMENT AGENCY WEBSITES WITH WORDPRESS CONTENT MANAGEMENT SYSTEM." Инновации в технологиях и образовании. 2019.

13. Kodirov, F. E., and J. E. Nematov. "BASIC TECHNOLOGY AND SERVICE MANAGEMENTMULTISERVICE NETWORKS." Инновации в технологиях и образовании. 2019.
14. Кодиров, Ф. Э., and М. У. Маматмурадова. "РАЗРАБОТКА ЦИФРОВОЙ ПРОГРАММЫ ШИФРОВАНИЯ И ВНЕДРЕНИЕ В ПРАКТИКУ." Инновации в технологиях и образовании. 2019.
15. Абдирасулов, Ж. У., and Ф. Э. Кодиров. "ЭФФЕКТИВНОСТЬ ANGULAR JS ДЛЯ СОЗДАНИЯ ДИНАМИЧЕСКИХ ВЕБ-САЙТОВ И ОПТИМИЗАЦИИ ИХ ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТИ." Инновации в технологиях и образовании. 2019.
16. Қодиров, Ф. Э., and Ж. Э. Нематов. "РАЗВИТИЕ ЛОКАЛЬНОЙ СЕТИ НА ОСНОВЕ ТЕХНОЛОГИИ GPON." Инновации в технологиях и образовании. 2019.
17. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "Sonli qatorlar.(musbat hadli qatorlarning yaqinlashish teoremlari. leybnis teoremasi, absolyut va shartli yaqinlashish.) 2022/2/17." Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali страницы: 137-151.
18. Nematov, Jamshid. "MYBOOK. UZ VIRTUAL KUTUBXONA TIZIMINING IMKONIYATLARI VA XUSUSIYATLARI." Current approaches and new research in modern sciences 1.5 (2022): 56-60.
19. Tulqin o'g'li, Usmonov Maxsud, Sayifov Botirali Zokir o'g'li, and Qodirov Farrux Ergash o'g'li. "IKKI ARGUMENTLI FUNKSIYANING ANIQLANISH SOHASI, GRAFIGI, LIMITI VA UZLUKSIZLIGI." BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI (2022): 148-152.
20. Tulqin o'g'li, Usmonov Maxsud, Sayifov Botirali Zokir o'g'li, and Qodirov Farrux Ergash o'g'li. "BIRINCHI VA IKKINCHI TARTIBLI HUSUSIY HOSILALAR. TO'LA DIFFERENSIAL. TAQRIBIY HISOBLASH." BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI (2022): 153-158.
21. Tulqin o'g'li, Usmonov Maxsud, and Qodirov Farrux Ergash o'g'li. "SONLI QATORLAR.(MUSBAT HADLI QATORLARNING YAQINLASHISH TEOREMALARI. LEYBNIS TEOREMASI, ABSOLYUT VA SHARTLI YAQINLASHISH.)" TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI (2022): 137-151.
22. Tulqin o'g'li, Usmonov Maxsud, and Qodirov Farrux Ergash o'g'li. "STOKS FORMULASI. SIRT INTEGRALLARI TADBICHLARI." IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI (2022): 34-45.

23. Tulqin o'g'li, Usmonov Maxsud, and Qodirov Farrux Ergash o'g'li. "BIR JINSLI VA BIR JINSLIGA OLIB KELINADIGAN DIFFERENSIAL TENGLAMALAR. AMALIY MASALALARGA TADBIQI (KO'ZGU MASALASI)." BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI 2.1 (2022): 263-267.
24. Tulqin o'g'li, Usmonov Maxsud, and Qodirov Farrux Ergash o'g'li. "O'ZGARUVCHILARI AJRALGAN VA AJRALADIGAN DIFFERENSIAL TENGLAMALAR." BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI 2.1 (2022): 240-245.
25. Qodirov, F. E., D. A. Akbarova, and M. A. Turdiyeva. "APPLICATION OF DIGITAL IMAGE PROCESSING FIELDS." (2021): 55-56.
26. Tulqin o'g'li, Usmonov Maxsud, and Qodirov Farrux Ergash o'g'li. "YER OSTI SUVLARINING FIZIK XOSSALARI, KIMYOVIY TARKIBI, HARAKATI VA GRUNTLARNING SUV O'TKAZUVCHANLIGI, FILTRATSIYA QONUNI." TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI (2022): 219-222.
27. Tulqin o'g'li, Usmonov Maxsud, and Qodirov Farrux Ergash o'g'li. "VEKTOR VA SKALYAR MAYDONLAR. GRADIYENT VA YO'NALISH BO'YICHA HOSILA. DIVERGENSIYA VA ROTOR. SATH CHIZIQLARI. GRADIYENT MAYDONLAR. OQIMLAR." TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI (2022): 172-187.
28. Tulqin o'g'li, Usmonov Maxsud, and Qodirov Farrux Ergash o'g'li. "FURE QATORI VA UNING TADBIQLARI." IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI (2022): 21-33.
29. Suyunovich, Mukhitdinov Khudoyar, and Norqobilova Feruza Abdihamidovna. "Prospects Of Digitalization Of Craftsmanship Development In The Region." Journal of Pharmaceutical Negative Results (2022): 345-352.
30. Норқобилова, Ф. А. "ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, СИНТЕЗЛАШ ВА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ." International journal of conference series on education and social sciences (Online). Vol. 1. No. 2. 2021.
31. Abdihamidovna, Norqobilova Feruza. "Financial Services to the Residents of the Region in the Field of Crafts." International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology 1.5 (2021): 225-230.
32. Назарова, Гулруҳ. "ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ." Science and innovation in the education system 1.7 (2022): 38-43.

33. Nazarova, Gulruh. "RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA AHOLINING ISH BILAN BANDLIK DARAJASINI OSHIRISH YO 'LLARI." Solution of social problems in management and economy 1.6 (2022): 45-50.
34. Umarjonovna, Nazarova Gulruh. "THE ROLE OF SMALL BUSINESS IN IMPROVING THE LIVING STANDARD OF THE POPULATION." Conferencea (2022): 34-36.
35. Umarjonovna, Nazarova Gulruh. "IMPORTANCE OF ECONOMIC KNOWLEDGE IN FINANCIAL PROCESS MANAGEMENT." Conferencea (2022): 35-40.
36. Umarjonovna, Nazarova Gulruh. "METHODS FOR INCREASING THE LEVEL OF EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY." E Conference Zone. 2022.
37. Nazarova Gulruh Umarjonovna.(2022)." O'ZBEKISTONDA YOSHLAR TADBIRKORLIGINI QO'LLAB-QUVVATLASH VA RIVOJLANTIRISHDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISLOHOTLAR SAMARASI". World Scientific Research Journal, 1 (1), 13–17.
38. Kuldashevich, Berdiev Jasur, and Nazarova Gulruh Umarjonovna. "INNOVATIONS AND RENEWAL IN ENTREPRENEURSHIP PROCESSES." (2021).
39. Qodirov, F. E., et al. "OVER VIEW FROM YII 2 FRAMEWORKS, AND ALSO ITS ADVANTAGES AND DISADVANTAGES." СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ПОЗНАНИЯ В ЦЕЛЯХ РАЗВИТИЯ НАУКИ (2019): 39.
40. Qodirov, F. E., et al. "PROBLEMS AND SOLUTIONS FOR EFFECTIVE PROTECTION AGAINST NETWORK ATTACKS." НАУКОЕМКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ КАК ОСНОВА ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ (2019): 93.
41. Qodirov, Farrux Ergashevich, Shoxrux Ramazonov, and Husniya Rustamovna Salimova. "CONTROL OVER SYSTEM" SMART HOUSE" WITH THE HELP OF WIRELESS NETWORK." НАУЧНАЯ ДИСКУССИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ. 2019.
42. Qodirov, F. E., et al. "ESSENCE OF THE NOTION ELECTRONIC DICTIONARY." КОНЦЕПЦИЯ" ОБЩЕСТВА ЗНАНИЙ" В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ. 2019.
43. Qodirov, F. E., et al. "FEATURES OF INTEL CORE i9 X-SERIES PROCESSORS AND ITS ADVANTAGE FROM OTHER PROCESSORS." ПУТИ

ПОВЫШЕНИЯ РЕЗУЛЬТАТИВНОСТИ СОВРЕМЕННЫХ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. 2019.

44. Qodirov, F. E., D. A. Akbarova, and S. H. Shokirov. "SOFTWARE FOR WORKING WITH COMPUTER GRAPHICS AND THEIR TASKS. APPLICATION OF DIGITAL IMAGE PROCESSING FIELDS." *Инновации в технологиях и образовании: сб. ст. участников XIV Меж (2021): 57.*
45. Халимов, Жавлонбек Шахриёрович. "ПРОГРАММА СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА И ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕГИОНА В ЦЕЛОМ." *E Conference Zone. 2022.*
46. Suyunovich, Mukhitdinov Khudayar, and Khalimov Javlonbek Shakhriyovich. "Innovative Development Mechanism Of Digital Transformation Processes In Regional Industry." *Journal of Pharmaceutical Negative Results (2022): 492-502.*